



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖИДДАГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан амалий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Жидда шаҳрининг халқаро аэропортида мамлакатимиз етакчисини Макка минтақаси ҳокими ўринбосари шаҳзода Бадр бин Султон Ол Сауд ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Саммитнинг асосий тадбирлари — “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” форматидаги давлат раҳбарлари йиғилиши

ҳамда икки томонлама музокаралар 19 июль куни бўлиб ўтади.

Кун тартибига мувофиқ, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

ЎЗА

БИЗ ВА ДУНЁ

Кўп қиррали ислохотлар, очик ташқи сиёсат ва халқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА

САУДИЯ АРАБИСТОНИНING ЕТАКЧИ ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР ҲАҚИДА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилди. Икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига туртки бермоқда.

Ўтган йилнинг 17-18 август кунлари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига ташрифи икки давлат ҳамкорлигини бундан буён ҳам халқлар фаровонлиги йўлида чуқурлаштиришнинг энг ишончли гарови бўлди.

Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

ИСТАК, ИРОДА ВА ТАСКИН Янги ғоя ва ташаббуслар ижроси билан мукаммал бўлади

Янги Ўзбекистон олдига қўйган мақсадлар замиридаги энг улғў ғоя — инсон қадрини устуворлиги. 2023 йил ана шу эзгу мақсадга эришишда туб бурилиш даври бўлмоқда. Янгиланган Конституциямиз қабул қилингани, унга асосан илк йирик сиёсий тадбир — муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилгани фикримиз тасдиғи.

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ



Президентимиз жорий йил 14 июль куни ўз лавозимига киришишга бағишланган тантанали маросимда янги Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт йўлининг бош мақсадларини белгилаб берди.

Давоми 4-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



Бугун мамлакатимиз дунё билан бўйлашмоқда. Янги Ўзбекистон — халқаро доирадаги нуфузли сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа тузилмаларнинг фаол иштирокчиси, шу билан бирга, тараққиётга хизмат қилувчи кўплаб ташаббусларни илгари сураётган давлат. Дунё микёсида ўз ўрни ва аҳамиятига эга мамлакатда бўлаётган ҳар қандай ўзгариш сиёсий жамиятни, халқаро ташкилотларни қизиқтирмасдан қолмайди, албатта. Бунга жорий йил 9 июлдаги муҳим сиёсий тадбир — муддатидан илгари ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яққол мисол бўла олади.

Давоми 3-бетда

ШУКУҲ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ МАРРАЛАРГА ИНТИЛМОҚДА

Шу йилнинг 14 июль санаси мамлакатимиз тараққиётида юксак босқич бошланган кун сифатида тарихга муҳрланди. Зеро, 9 июль куни бўлиб ўтган Президент сайловида 87,05 фоиз овоз билан халқимиз ишончи ва меҳрига сазовор бўлган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ўз лавозимига киришиш олдидан тантанали қасамёд қабул қилди.



Мазкур маросимда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади.

“...Бугун елкамга қандай улғўвор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканимни юрак-юрагимдан

ҳис этиб турибман. Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва доғишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таълим қиламан”, деди жумладан.

Давоми 2-бетда

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

МАЪРИФАТПАРВАР БОБОЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида бугунги кунда хорижда таҳсил олаётган ва айни дамда таътил сабабли юртимизда бўлиб турган стипендиатлар учун махсус ўқув-семинар ташкил этилди.

Давоми 5-бетда

ТАЪЛИМ

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ЕТУК КАДРЛАР ЯРАТАДИ



Олий таълим тизимида чуқур ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт этишини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳисобланади. Ушбу ислохотлар жараёнида олий таълим муассасаларининг замон талабларига мос жиҳозланиши, таълим сифатини оширишга қаратилган жаҳон тажрибасини татбиқ этиш даври талабига айланган.

Давоми 5-бетда

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ ЕТУК КАДРЛАР ЯРАТАДИ

Ахмед РЕЙМОВ, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикасида етук ва билимли кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари орасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ҳам ўз ўрни бор.

Университетда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, етук педагог кадрлар тайёрлаш, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқотлари борасида қўллаб-амалий ишлар олиб боришмоқда. Улар қўлидаги факт ва рақамларга ақс этади.

Университетда жами 983 нафар педагог фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 39 нафари фан доктори ва профессорлар, 323 нафари эса фан номзоди ва фалсафа докторларидир. Университетнинг илмий салоҳияти 36,5 фоизни ташкил этмоқда.

2022 йили университет профессор-ўқитувчиларининг 61 нафари — 2 нафари фан доктори



7 нафар таянч докторант томонидан муддатидан илгари докторлик (PhD) диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилингани ҳам илмий фаолиятимиз мунтазамлигини ақс эттиради. Шу билан бирга, университет ҳузурида техника, биология, тарих, иқтисодиёт, филология, юридик фанлар бўйича илмий даражалар берувчи жами 6 та илмий кенгаш фаолият кўрсатаётгани



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

(DSc) ва 59 нафари фалсафа доктори бўлди. Жорий йилнинг биринчи олти ойида эса 4 та фан докторлиги (DSc) ва 32 та фалсафа докторлиги диссертациялари ҳимоя қилинди.

Утган йили профессор-ўқитувчилар томонидан 67 та монография, 10 та ихтиро патенти, 47 та электрон дастурга муаллифлик гувоҳномалари олинди ва Scopus халқаро маълумотлар базасидаги илмий журналларда, хорижий ҳамда республика илмий нашрларида мақолалар, маҳаллий ҳамда халқаро конференция материаллари тўпламлари чоп этилди.

Айни пайтда университетда 5 нафар докторант, 133 нафар таянч докторанти, 6 нафар стажёр-тадқиқотчи ҳамда 2 нафар мустақил тадқиқотчи тахсил олмоқда. Утган йили жами

ҳам таълим муассасамиз салоҳияти ва имкониятларининг ўзига хос ифодасидир. Уларда 2022 йилда 51 та — 47 та фалсафа докторлиги (PhD) ва 4 та фан докторлиги (DSc) диссертациялари ҳимояси муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда яна илмий даражалар берувчи 2 та ихтисослашган илмий кенгаш тузиллиши натижасида университет ҳузуридаги кенгашлар сони 8 тага ортди.

Энди бевосита амалий лойиҳаларимиз ва уларнинг аҳамияти ҳамда қиймати ҳақида. Жумладан, 2021 йилда профессор-ўқитувчилар томонидан умумий қиймати 1 миллиард 530 миллион 277 минг сўм бўлган 8 та амалий лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Утган йили эса давлат илмий-техник дастурлари доирасида қиймати

КЕЛАЖАК БУЊЁДКОРЛАРИ

МАЪРИФАТПАРВАР БОБОЛАРГА МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

Сирожиiddин РУСТАМОВ, Республика Маънавият-тарғибот маркази ходими

Бошланиши 1-бетда

Анжуманнинг мақсади “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари билан доимий мулоқотни давом эттириш, уларда Ватанга садоқат, ўзбек миллий қадриятларига ҳурмат, ватанпарварлик руҳини кучайтириш ҳамда янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сийсати моҳияти ва мақсадларини тушуниришдан иборат. Хорижда таҳсил олаётган ёшларга мутахассисликлари бўйича мамлакатимизни янада ривожлантириш юзасидан тақлифларини ўрганиш ва амалиётга жорий қилишга қўмаклашиш, ўқишни тугатиб қайтганлардан сўнг улар учун муносиб меҳнат фаолиятини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

— Ҳеч қайси давлат ўз-ўзидан буюк бўлиб қолмайди. Мамлакат истеъдодли ва салоҳиятли ёшлари билан қудратлидир, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси Василлик кенгаши аъзоси Минхожиддин Мирзо. — Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан навқирон авлодни юкори интеллектуал салоҳиятга эга, замонавий ва креатив фикрлайдиган, илм-фанга инновацион роҳ ва технологиялар олиб киришга қодир мутахассис қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз яшаётган бу замонлар, сизга насиб этган бу имконлар не-не инсонларга армон бўлиб қолган.

Дарҳақиқат, роппа-роса бир аср илгари маърифатпарвар боболаримиз ўз ҳисобидан миллат ёшларини хорижга ўқитишга юборган. Бу улуг зотларнинг мақсади, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, жаҳолат ва қолқилик гирдобида қолган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илгор касб-хунарлар билан қуроллантириб, умумбаъшарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат бўлган.

Замон биздан маърифатпарвар жадидларга издошлик мақомида фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда. Жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош ва юкори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўзбекистоннинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун ниҳоятда зарур. Семинарда дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги энг нуфузли таълим ва тадқиқот, инновация ва амалиёт масканларида таҳсил олиш ва стажировка ўташ бахти насиб этган юртимиз ёшларига ҳар бир лаҳзани беқор ўтказмай мамлакатимиздаги Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш жараёнига муносиб ҳисса қўишлари муҳимлиги таъкидланди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Республика Маънавият ва маърифат маркази “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан бир неча йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада жамғарма томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг Ватанимиз тарихи, буюк аждодларимиз мероси, маънавий билими даражасини аниқлаш бўйича суҳбат дастури ишлаб чиқилган. Суҳбат жараёнида олимлар, маданият ва санъат ар-боблари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этади.

Семинар қатнашчилари таниқли профессорлар, юкори мартабали шахслар, сенатор ва вазирлардан қизқарли маърузалар тингладди. Олий Мажлис Сенати, “Янги Ўзбекистон боғи”, Теуурийлар тарихи давлат музейи, “Адиблар хибони”, “Қатагон қурбонлари музейи” каби диққатга сазовор манзилларга саёҳат уюштирилмоқда.

— Маърузалардан сўнг ҳаммамиз Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуасига бордик, — дейди АҚШнинг Миннесота

ТАЪЛИМ

3 миллиард 160 миллион 588 минг сўм бўлган 7 та амалий лойиҳа бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Президентимизнинг 2021 йил 29 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарорига асосан, Қорақалпоқ давлат университети томонидан умумий қиймати 1,5 миллиард сўмлик 4 та амалий лойиҳа бажарилиб, жами 600 миллион сўмлик 1 та стартап лойиҳа бўйича инновацион тадқиқот ишлари олиб борилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига 7-илова сифатида тасдиқланган “2022-2023 йилларда олий таълим муассасалари томонидан янги ишланма ва технологияларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастури”да университет томонидан қиймати 950 миллион сўм бўлган 4 та янги ишланма ва технологияни яратиш ҳамда жорий этиш лойиҳалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилди.

Айни пайтда 2 нафар профессор-ўқитувчимиз республика миқёсида “Инновацион гоғлар етакчили” кўкрак нишонини ва 1 нафар ёш олим “Энг яхши лойиҳа ижроси” номинацияси бўйича сертификат соҳиби бўлди. Университет ҳузурида 2021 йилнинг сентябрь ойидан умумий қиймати 2,5 миллиард сўмга тенг бўлган “Биоэкология” илмий тадқиқот лабораторияси ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, илмий тадқиқот, таълим, амалиёт ва ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш жараёнларини ўз ичига олган ҳамда таркибиди “Кимёвий технология” илмий-ишлаб чиқариш лабораторияси, “Кимё” бўйича илмий-экспериментал лаборатория, “Қурилиш материаллари” ва “Тўқимачилик махсулотлари ва ускуналари” илмий-технология лабораторияси мавжуд бўлган “Кимёвий технология” илмий-технологик лаборатория кластери учун зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар олиб келинди.

Шунингдек, университетимиз ҳузурида “Илмий инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш маркази” ўз фаолиятини бошлади ва бугунги кунда ушбу марказга 12 нафар фўқаро ишга қабул қилинди.

2022 йилнинг ноябрь ойида аввалги Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятининг охириги беш йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳисобот рейтингиди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва иқтидорли талабаларнинг тадқиқот ишларини ташкил этиш борасидаги фаолияти самарадорлиги юкори баҳолини, вазирлик томонидан 190 га яқин олий таълим муассасаларининг энг юкори кўрсаткичга эга бўлган ТОП-5 лиддан ўрин эгаллашини жуда юкори натижа деб биламиз.

Жорий 2022/2023 ўқув йилида 39 нафар, жумладан, 3 нафар талаба Президент стипендияси, 8 нафар талаба Навоий, 4 нафари Беруний, 2 нафари Улўғбек, 1 нафари Ислон Каримов, 1 нафари Тўлепберген Қайипбергенов, 1 нафари Ибройим Юсупов номидаги давлат стипендиялари, 1 нафар талаба математика фани бўйича академик Т.А.Саримсоқов номидаги, 17 нафар талаба Бердақ номидаги стипендия, 1 нафар талаба UzGTL компанияси махсус стипендияларига муносиб топилиди.

Ушбу ютук ва муваффақиятлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети педагогик жамоасининг илмий салоҳияти ва илмий тадқиқот ишларининг қўламини, энг муҳими, мунтазамлигининг ифодаси деб таъкидлашга изн беради.

университети талабаси Шаҳзода Икромова. — У ерда “Қатагон қурбонлари” музейида бўлди. Мана, қаранг, Ватанимни тараққий эттираман, деган инсонлар собиқ тузум даврида қандай машаққатларга дучор бўлган. Ҳатто жисмоний йўқ қилишгача боришган. Бугун эса мустақил давлатимиз биз, ёшларга ўқиб-ўрганишимиз учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиб бермоқда. Ўқув семинари ҳамда экскурсиялар орқали ўзимиздаги тарихий билимларни янада бойитдик. Жадид боболаримиз ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлдик.

Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг глобал академик рейтингларига кирган University of Oxford, University of Cambridge, University College London, Imperial College London, Columbia University, Cornell University ва бошқа шу каби нуфузли университетларда мамлакатимиз учун устувор ҳисобланган мутахассисликлар бўйича 500 га яқин стипендиатлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича ўқишни давом эттирмоқда.

— Иқтисодиёт ва сунъий интеллект йўналиши бўйича магистратурада таҳсил олялман, — дейди АҚШнинг Дукке университети талабаси Абдумалик Абдуқаюмов. — Ёзи таътил давомида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатлари учун ташкил этилган махсус ўқув-семинар бошқа давлатларда ўқиётган талабалар билан тажриба ва фикр алмашиш имконини бергани боис, менга маъқул бўлди.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда аҳборот ва маълумотлар билан ишлаш янада тезлашган. Шу сабабдан сунъий интеллект бўйича дунёда қўллаб-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Абдумалик ўзи таҳсил олаётган университетда ҳам сунъий интеллектни иқтисодиёт билан боғланган ҳолда фойдаланиш дастурлар яратпти. Ўзбекистонга қайтиб келганида, албатта, Ватан равнақи учун мана шундай стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга таъбиқ этиш истигади изланмоқда.

Ёшларнинг дунёнинг қайси мамлакатиди таҳсил олмасин, ҳаммиза Президентимиз меҳрини, ишончини ва умидини ҳис қилиб яшамоқда. Университетдаги шартнома суммаси, қундалик яшаш чиқимлари билан боғлиқ барча харажатлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан қоплаб берилаяпти. Улар ёшлар таълимининг давлат сийсати даражасига қўтарган Президентимиздан миннатдор эканликларини, келажакда билдирилган эътибор ва ишончини юксак даражада оқлаш учун бор имкониятларини ишга солиб илм олаётганларини фахр билан айтаб ўтди.

НУҚТАИ НАЗАР

ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАР

ОТМларнинг халқаро рақобатбардошлигига хизмат қилади

Ботир УСМОНОВ, Тошкент кимё-технология институти ректори

Мамлакатимизда таълим хизматлари соҳаси жадал суръатда ўсмоқда. Бу эса талабага асосий истеъмолчи сифатида қарашни ва алоҳида муносабатни вужудга келтирмоқда. Зеро, таълим иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб, давлат тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичига туртки берадиган ўзига хос дастак вазифасини ўташи мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида таълим хизматлари соҳасида ҳам самарали фаолият юритиш ва унинг ривожланишини таъминлайдиган инновацион йўналишларни аниқлаш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис, ўқув муассасаларида истеъмолчиларни қаноатлантирадиган шарт-шароитни аниқлаш, маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш, рақобат стратегиясини шакллантириш, кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини ошириш зарурати юзага келди. Бу эса ташки ва ички муҳитнинг доимий мониторингини юритишни тақозо этади. Натижада келажакда таълим тизимининг рақобатбардошлиги ва сифатини тез ҳамда функционал таъминлашга қодир бўлган университетлар ва бизнес тузилмаларининг давлат-хусусий шериклик механизмида фойдаланиш мумкин. Талабалар учун кураш шароитида рақобатбардош муносабатлар тобора таълим хизматларининг барча соҳасини қамраб ола бошлади. Шунга монанд университетлар таълим бизнесида мустаҳкам ўрин эгаллашга ҳаракат қилаётир.

Мамлакатимиз таълим макониди ислохотлар жадал кечмоқда. Ўзгаришлар таълим тизимининг тузилиши ва функцияларига, шунингдек, мазмунини ва ўқитиш технологияларига таъсир кўрсатмоқда. Зотан, Ўзбекистоннинг замонавий таълим тизими мураккаб ташкилий тузилма бўлиб, унинг доимий янгиланиб бориши мамлакат ва аҳоли манфаатларининг ўзгариши, шунингдек, таълим-тарбия тараққиётдаги халқаро жараёнлар, глобал цивилизациянинг умумий тенденциялари билан боғлиқ.

Глобаллашув даври илгор олий таълим тизимини қуришимиз учун биздан янгича ёндашуларни талаб қилади. Жаҳон таълим макониди аниқ ўрин эгаллаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг миллий



таълим тизими дунёда рўй бераётган ўзгаришлар ва ривожланиш жараёнига мослашини муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, юртимизда таълим сифати ва олий таълимга қамровни оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани катта воқеадир. Сўнгги беш йилда 100 дан ортиқ янги университет ташкил этилди. Ҳозир Ўзбекистондаги ОТМларнинг умумий сони 2016 йилдаги билан таққослаганда 2-3 баробар юкори кўрсаткичга етди. Олий таълимга қабул қилиш даражаси 2016 йилга нисбатан тўрт баробар ошди. Бундан тўрт йил аввал Ўзбекистонда чет эл университетларининг атиги 7 та филиали фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сони 30 га етди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида илмий-техникавий салоҳият етарли даражада юкори суръат билан тараққий этаётган бўлса-да, жаҳон бозоридида рақобатбардошлиги пастлигига қолмоқда. Дунё мамлакатлари таснифига қўра, Ўзбекистон таълим тизими кам ривожланган давлатлар гуруҳига кирди. Жаҳон давлатларидаги олий таълим тизимининг қиёсий таҳлилга қаралса, мамлакатимизнинг бундай ўрни олий таълим тизими ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўсиш суръати пастлиги билан боғлиқ.

Ривожланган ва ривожланаётган олий таълим тизими эга мамлакатлар билан солиштирганда энг паст кўрсаткич талабага тўғри келадиган харажатдир. Ўзбекистонда унинг қиймати 964 АҚШ долларини ташкил этади. Таълимга давлат харажати мамлакатимизда ялли ички махсулотга нисбатан 4,92 фоизни, ривожланган мамлакатларда эса 6 фоиздан ортиқини ташкил этади. Бюджетдан ташқари молиялаштириш тизими эса шаклланиш босқичида.

Буюк Британия (13,92 фоиз), Франция (10,81 фоиз), Швейцария (18,42 фоиз), Австралия (20,42 фоиз) билан солиштирганда мамлакатдаги жами талабалар сонига нисбатан келган мобил талабалар сони атиги 5 фоизини ташкил этади.

Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини шакллантириш тажриба алмашиш, технология ва аҳборот узатиш йўли билан билимлардан иқтисодий устунлик

марказлари, илмий лабораториялар, технопарклар, қайта тайёрлаш марказлари, корхоналар кирди.

Илмий-таълимий инновацион кластерларни яратиш ўзига хос хусусиятлари турли даражадаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, шунингдек, юкори малакали ишчилар нуфузини оширишни назарда тутди. Институтлар, олий ўқув юртилари ва ишлаб чиқариш мажмуаларининг илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш фаолиятини интеграциялаш жараёни инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Миллий илмий-таълимий инновацион кластерларни яратиш орқали тизимнинг молиялаштириш модели ва алгоритми, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, натижаларни баҳолаш, интеллектуал мулк ва илмий бошқарувнинг аниқ тизимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Халқаро таълим тизими субъектлари билан ҳамкорлиқни ривожлантириш, илмий алоқаларни кенгайтириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигига ўзига хос устунликлари яратиш вазифаси турибди. Бу сай-харажатлар халқаро лойиҳа ва дастурларда, хорижий ОТМ ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан қўша илмий-таълимий кластерлар доирасида тижорий алоқалар ўрнатиш қабиларини кўзда тутди. Зотан, халқаро таълим кластерлари мўайян тармок доирасидаги маҳаллий ва хорижий корхоналар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртилари мажмуаси бўлиб, уларнинг мақсади миллий ва халқаро меҳнатда рақобатбардош, юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича илмий ва таълим макониди халқаро фаолиятни кенгайтиришдан иборат.

Олий таълим тизимини молиялаштиришнинг инновацион дастурини яратиш орқали мамлакатнинг халқаро таълим бозоридида рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Ушбу дастур олий таълимни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимига мақсадли халқаро хайрия жамғармалари маблағларини инвестиция тариқасида киритиш билан йўлга қўйлади.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

